«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
82-сонли БАЁНИдан КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уйда видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2021 йил 30 декабрь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 14.00
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 14.40
Йиғилиш ёпилган вақт:	соат 15.50
Баён тузилган сана:	2022 йил 10 январь

ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.
Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. ЎзРВБнинг 2021 йил тўққиз ойи натижаларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.
4. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаш.
5. ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида
ЎзРВБ акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
қуйидаги қарори қабул қилинди:

1. ЎзРВБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши "ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида ва кузатув кенгаши йиғилишларида видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш тўғрисида"ги Регламентга мувофиқ видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилсин ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини олиб бориш, масалаларни кўриб чиқиш тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

- маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун ажратилган вақт – 10 дақиқагача;
- қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача;
- савол ва жавоблар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. ЎзРВБ саноқ комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Худойбердиев Ж.Б. – ЎзРВБ юридик хизмати бошлиғи;
- Умурзаков О.Э. - ЎзРВБ юридик хизмати бош юрисконсульти;
- Мирзаахмедова И.А. – ЎзРВБ корпоратив иш юритув бўйича етакчи мутахассиси.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. 2021 йил тўққиз ойи натижаларига кўра ЎзРВБнинг (МҲХС бўйича) соф фойдасидан **37 млрд. сўм** пул маблағлари тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шакллантириладиган кафолат фондига йўналтириш учун ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

4. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

5. ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда "ЎзРВБ" АЖ устави давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси *(имзо)* **Б.Ю. Абубакиров**

Йиғилиш котиби *(имзо)* **Б.Т. Салойдинов**

Аслига кўра тўғри:

Бош директор Р.Р. Усманов

ЎзРВБ” АЖ Акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
2021 йил 30 декабрдаги 82 - сонли
баёнига
1 -Илова

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

Т/р	Амалдаги таҳрирда	Янги таҳрирда	Изоҳ
1.	7-бандниng 3-кичик банди: “7. Биржа ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини (йўналишларини) амалга оширади: 1) биржа савдоларини, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этиш ва ўтказиш; 2) давлат қимматли қоғозларини сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш; 3) биржа битимлари бўйича миллий ва хорижий валюталарда клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш; ***Тўлдирилмоқда.*** ***4)*** биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котировкалашни (уларнинг нархини белгилашни) амалга ошириш, чет эл валютаси савдолари бўйича миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курсини белгилаш; ***5)*** биржа бозори индикаторларини шакллантириш ва уларни мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) Биржанинг	7-бандниng 3-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин: “7. Биржа ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини (йўналишларини) амалга оширади: 1) биржа савдоларини, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этиш ва ўтказиш; 2) давлат қимматли қоғозларини сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш; 3) биржа битимлари бўйича миллий ва хорижий валюталарда клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш; **4) Марказий контрагент функцияларини амалга ошириш/бажариш;** **5)** биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котировкалашни (уларнинг нархини белгилашни) амалга ошириш, чет эл валютаси савдолари бўйича миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курсини белгилаш; **6)** биржа бозори индикаторларини шакллантириш ва уларни мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) Биржанинг	ЎзРВБ томонидан Марказий контрагент функциялари бажарилиши муносабати билан ўзгартириш киритилмоқда.

	расмий веб-сайтида жойлаштириш; ***6)*** Биржа аъзолари учун мажбурий бўлган биржа савдолари қоидаларини, шунингдек намунавий шартномаларни ва тузилган битимларни расмийлаштириш учун ҳужжатларнинг стандарт шаклини ишлаб чиқиш; ***7)*** Биржа аъзолари ходимларининг (трейдерларнинг) касбий малакасини юқори савияда сақлашни таъминлаш мақсадида шарт-шароитлар яратиш; ***8)*** биржа савдолари иштирокчиларини ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида тегишли ахборотлар билан таъминлаш, уларга зарур бўлган маслаҳат ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш; ***9)*** биржа фаолиятига оид дастурий таъминотларни ва автоматлаштирилган мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; ***10)*** қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириш.	расмий веб-сайтида жойлаштириш; **7)** Биржа аъзолари учун мажбурий бўлган биржа савдолари қоидаларини, шунингдек намунавий шартномаларни ва тузилган битимларни расмийлаштириш учун ҳужжатларнинг стандарт шаклини ишлаб чиқиш; **8)** Биржа аъзолари ходимларининг (трейдерларнинг) касбий малакасини юқори савияда сақлашни таъминлаш мақсадида шарт-шароитлар яратиш; **9)** биржа савдолари иштирокчиларини ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида тегишли ахборотлар билан таъминлаш, уларга зарур бўлган маслаҳат ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш; **10)** биржа фаолиятига оид дастурий таъминотларни ва автоматлаштирилган мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; **11)** қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириш.”	
2.	17-банд: 17. Биржа: котировкалаш, арбитраж, ва бошқа биржа комиссиялари ва қўмиталарини ташкил этишга; агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатишга; биржа ахборотномалари, маълумотномалари ҳамда бошқа ахборот ва реклама материалларини чиқаришга ***ҳақли.*** ***Тўлдирилмоқда.*** Биржа ***қонун ҳужжатларига*** мувофиқ	17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин: 17. Биржа: котировкалаш, арбитраж, ва бошқа биржа комиссиялари ва қўмиталарини ташкил этишга; агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатишга; биржа ахборотномалари, маълумотномалари ҳамда бошқа ахборот ва реклама материалларини чиқаришга; **соф фойдадан захира фондини ташкил этишга ва қонунчиликка мувофиқ бошқа фондларни шакллантиришга ҳақли.** Биржа **қонунчиликка** мувофиқ бошқа	Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 32-моддасига мувофиқ тўлдирилмоқда. Қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда.

	бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумк. .	ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумк. .	
3.	18-банднинг бешинчи хатбошиси: “тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши;”	18-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: “тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун **фондлар шакллантириши ва бошқа** шарт-шароитлар яратиши;	Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига асосан киритилмоқда.
4.	93-банднинг 15)-кичик банди: “15) Биржанинг захира фондидан ва бошқа фондлардан фойдаланиш;”	93-банднинг 15)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин: 15) Биржанинг **фондларини шакллантириш ҳамда** захира фонди ва бошқа фондлардан фойдаланиш. **Тузилган фондларнинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш.**	Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ тўлдирилмоқда.
5.	115-банд: “115. Биржанинг соф фойдаси **йил натижалари бўйича** акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан тақсимланади.”	115-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин: “115. Биржанинг соф фойдаси акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан **Биржанинг захира фонди ва бошқа фондларини шакллантиришга йўналтирилади, акциядорлар ўртасида дивидендлар шаклида** тақсимланади **шунингдек, қонунчиликка мувофиқ бошқа мақсадларда фойдаланилади.”**	Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартириш киритилмоқда.

ЎзРВБ” АЖ Акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
2021 йил 30 декабрдаги
82 - сонли баённига
2 -**Илова**

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

Т/р	Амалдаги таҳрирда	Янги таҳрирда	Изоҳ
1.	17-бандниng ўн олтинчи хатбошиси: ЎзРВБнинг захира фондидан ва бошқа фондлардан фойдаланиш;”	17-бандниng ўн олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: ЎзРВБнинг **фондларини шакллантириш ҳамда** захира фонди ва бошқа фондлардан фойдаланиш. **Тузилган фондларнинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш.**	Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ тўлдирилмоқда.